

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИСМАИЛОВА ЖАДИДА АХМЕДЖАНОВНА

**ХЕЛИКОБАКТЕР АССОЦИЯЛАШГАН МЕЪДА
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ЭРАДИКАЦИЯ ТЕРАПИЯСИНИ ВИРУЛЕНТ
ГЕНЕТИК ОМИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН ОПТИМИЗАЦИЯСИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)

Исмаилова Жадида Ахмеджановна

Хеликобактер ассоциялашган меъда касалликларининг
эрадикация терапиясини вирулент генетик омилларига
асосланган оптимизацияси..... 3

Исмаилова Жадида Ахмеджановна

Оптимизация эрадикационной терапии хеликобактер-
ассоциированных заболеваний желудка с учетом
генетических факторов вирулентности..... 27

Ismailova Jadida Akhmedjanovna

Optimization of eradication therapy of Helicobacter associated
stomach diseases taking into account genetic factors of virulence..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИСМАИЛОВА ЖАДИДА АХМЕДЖАНОВНА

**ХЕЛИКОБАКТЕР АССОЦИЯЛАШГАН МЕЪДА
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ЭРАДИКАЦИЯ ТЕРАПИЯСИНИ ВИРУЛЕНТ
ГЕНЕТИК ОМИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН ОПТИМИЗАЦИЯСИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.1.DSc/Tib291 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Каримов Мирвасит Мирвасикович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамраев Абдор Асрарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бобоёв Қодиржон Тўхтабоевич
биология фанлари доктори, профессор

Захидова Машкура Зияматовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарканд Давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc 04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «6» сентябр соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (841 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2022 йил «25» март да тарқатилди.

(2022 йил «25» март даги 17 рақамли реестр баённомаси).



А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д. А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. XX асрнинг охирги йилларида *Helicobacter pylori* (*H. pylori*) нинг кашф этилиши ва унинг меъда-ичак тизими касалликларининг келиб чиқишидаги ўрнини аниқланиши тиббиётнинг энг муҳим ютуқларидан бири ҳисобланади. *H. pylori* секин «терапевтик» зарарловчи «янги» инфекциялар туркумига киради, асосан меъда ва ўн икки бармоқ ичакни касалланиши билан кечади¹. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра 2020 йилда дунёда 1,09 миллион инсонларда меъда саратони аниқланган бўлиб, ундан ўлим кўрсаткичи 769000 ташкил қилган. ЖССТ ва Маастрихт келишувига кўра *H. pylori* – меъда ичак тизими касалликлари ва меъда саратонининг (МС) келиб чиқишидаги асосий омиллардан ҳисобланади. Эпидемиологик маълумотларга кўра, дунёдаги 60% аҳоли ушбу микроорганизм билан зарарланган. *H. pylori* мавжудлиги сурункали гастрит (СГ), меъда яра касаллиги (МЯК), мукоза ассоцияланган меъда лимфомаси (МАЛТ-лимфома) ва МС келиб чиқишидаги ўта муҳим этиопатогенетик омилдир. Шу сабабли хеликобактер билан ассоциялашган меъда касалликларида генетик омилларни инобатга олган ҳолда эрадикацион терапияни оптималлаштириш замонавий клиник гастроэнтерологиянинг мураккаб ва долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда хеликобактер билан ассоциялашган меъда касалликларида генетик омилларни инобатга олган ҳолда эрадикацион терапияни оптималлаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада меъданиннг *H. pylori*-ассоциялашган касалликларининг ўзига хос клиник жихатларини турли омилларга мутаносиблиги, беморларда *ureC* генининг ҳамда *CagA* генининг патологик аҳамиятини, бактерия билан зарарланиш даражасини инобатга олган ҳолда ушбу касалликларда меъда шиллиқ қаватидаги яллиғланишнинг сифат ва миқдорий реакцияларининг маҳаллий кўрсаткичларини ҳамда *H. pylori*-ассоциялашган патологияларда меъда шиллиқ қаватидаги морфологик ўзгаришларни баҳолаш самардорлигини оширишга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиётга сурункали касалликларни эрта ташхислаш, самарали даволаш, олдини олиш ва асоратларини камайтиришга қаратилган вазифалар юклатилган. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб–қувватлаш ва касалликларни

¹ Курилович Р.А., Решетников О.В. Эпидемиологические исследования в гастроэнтерологии: многолетний сибирский опыт изучения *Helicobacter pylori* и ассоциированных заболеваний // Экспериментал ва клиник гастроэнтерология. 2015. № 3 (115). 4–10 б.

профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда хеликобактер билан ассоциялашган меъда касалликларида генетик омилларни инобатга олган ҳолда эрадикацион терапия йўналишидаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Хеликобактер билан ассоциялашган меъда касалликларида генетик омилларни инобатга олган ҳолда эрадикацион терапияни оптималлаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлари йўналтирилган бўлиб, илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Washington, University of Kansas, Atlanta Oral Pathology, Roseman University of Health Sciences (АҚШ), University Vita-Salute, University of Pavia (Италия), University Hospital Schleswig-Holstein (Германия), Keio University (Япония), Catalan Institute of Oncology (Испания), National and Kapodistrian University of Athens (Греция), Federal University of Santa Catarina (Бразилия), International agency for cancer research (WHO, Lion, France), University of California (АҚШ), Tokyo University (Japan), Qingdao University (China) Yonsei University, Bundang Hospital (Жанубий Корея), University of Sydney (Австралия), Jazan University (Саудия Арабистони), Regional Institute of Medical Sciences (Ҳиндистон), Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги қошидаги илғор технологиялар маркази ва Республика

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.goethe-university-frankfurt.de, www.utexas.edu, ubc.ca, www.berkeley.edu, www.uark.edu, www.virginia.edu, www.pitt.edu, www.ncl.ac.uk, www.uio.no/english, www.useoul.edu, www.pkuf.org, www.gematologiya.uz, www.washington.edu, www.ku.edu, www.atlantaoralpathology.com, www.univr.it, www.unipv.it, www.uksh.de, www.keio.ac.jp, www.ico.gencat.cat, www.uoa.gr, www.ufsc.br, www.yonsei.ac.kr, www.sydney.edu.au, www.jazanu.edu.sa, www.rims.edu.in, www.rnioi.ru, www.cancercenter.uz, www.toshvilonko.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Хеликобактер билан ассоциялашган меъда касалликларида генетик омилларни инобатга олган ҳолда эрадикацион терапияни оптималлаштириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: *H. pylori* ассоциялашган меъда касалликларининг ривожланиши ва авж олишининг генетик маркерлари исботланган University of Washington, University of Kansas, Atlanta Oral Pathology, Roseman University of Health Sciences (АҚШ); сурункали гастрит ҳар иккинчи одамда, ўн икки бармоқ ичак яра касаллаги - меҳнатга лаёқатли ёшдаги ҳар ўнинчи одамда аниқланади. Бундан ташқари, маълум шароитларда *H. pylori* мавжудлиги меъда ичак тизимининг онкологик касалликлари (саратони, МАЛТ-лимфомаси ва бошқалар) ривожланишига сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида тахминлар мавжуд. Бугунги кунга келиб хеликобактериоз сурункали гастрит ва дуоденитнинг барча ҳолатларининг этиологик асоси ҳисобланади. Бактерияларни антимикроб препаратларига чидамли бўлиши - бу замонавий тиббиётда жиддий муаммо бўлиб, препаратларнинг самарасизлигидан ҳар йили 700 000 одам ҳалок бўлади ва 100 триллион доллар миқдорида маблағ сарфланади.

Дунёда хеликобактер билан ассоциялашган меъда касалликларида генетик омилларни инобатга олган ҳолда эрадикацион терапияни оптималлаштиришни илмий асослаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, *H. pylori*-ассоциялашган патологияларда меъда шиллик қаватидаги морфологик ўзгаришларни тадқиқ қилиш; *H. pylori*-ассоциялашган меъда касалликлари билан хасталанган беморларда кларитромицинга чидамлилик сабабларини баҳолаш; Ўзбекистонда *H. pylori*-ассоциялашган меъда касалликлари билан оғриган беморларда классик «квадротерапия»нинг эрадикацион самарадорлигини киёсий жиҳатдан баҳолаш; *H. pylori*-ассоциялашган меъда касалликларини даволашни оптималлаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *H. pylori* дунёда энг кенг тарқалган бактерия бўлиб, дунё аҳолисини 4,4 миллиондан ортиғи, яъни 28-84%и инфекцияланганлиги келтириб ўтилган (Hooi J.K et al., 2017), Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда инфекция билан зарарланиш даражаси 70-80% эканлиги аниқланган (Hu B. et al., 2016). Дунё бўйича *H. pylori* бактериясининг мультилокус секвенс таҳлилига кўра бактериянинг 6 хил популяцияси ва бир қанча субпопуляцияси, ҳамда 100 дан ортиқ штаммлари идентификацияланган: *H. pylori* European 1, hpEuropean 2, hpEast Asia, hpAfrica1, hpAfrica2 (Falush D. et al., 2008). Лекин, айрим бактерия штаммлари ва изолятлари меъда-ичак касалликларининг оғир шаклларини келтириб чиқариши исботланган (Devi S.M. et al., 2007, Абдурахимов А.А. 2019). Дунё аҳолисининг ярмидан кўпи инфекцияланган бўлсада, уни айрим одамларда меъда-ичак касалликларини келтириб чиқариши таъкидланган. Бунга бактерия геномида вирулент генларнинг бўлишлиги, инсоннинг генотиби,

бактерия яшаш муҳитидаги омилларнинг ўзгариши, бактерияни комменсализм ёки патоген яшовчи ҳолатга айлантириши мумкинлиги келтирилган (Salama N.R. et al., 2013, Amieva M. et al., 2016., Chattopadhyay S. et al., 2015). Эпидемиологик тадқиқотлар кўрсатишича, *H. pylori* яра касаллиги билан 40-75 %, меъда саратони билан 63-80% ҳолларда ассоциацияда бўлган (Watari J., et al., 2014), Ўрта Осиё ҳудудида *H. pylori* бактериясининг тарқалиши ҳақида маълумотлар етарлича ўрганилмаган. Буларнинг барчаси *H. pylori*-ассоциялашган меъда-ичак тизими касалликларининг клиникаси ва патологик морфологиясини ўрганишнинг долзарблигини белгилайди. Адабиётларда мавжуд бўлган кўплаб маълумотлар кўшма гастродуоденал касалликларнинг учраши ва тузилиши, уларнинг клиник кўринишининг хусусиятларини ва ушбу соҳанинг шиллиқ қаватидаги морфологик ўзгаришларни тўлиқ акс эттирмайди. Қатор тадқиқотларда келтирилишича V домендаги A2142G, A2143G ва A2142C соҳасидаги мутациялар ҳамда VI домендаги T/C мутациялар *H. pylori* бактерияси кларитромицинга чидамлилигини юзага келтиради (S. Hellmig, et al, 2003., Abdollahi H., et al 2011; Binh TT, et al. 2014). A2142G, A2143G ва A2142C соҳасидаги ген мутацияларини 90% ҳолатларда *H. pylori* ни кларитромицинга чидамлилигини таъминлагани ҳақида маълумотлар мавжуд (F. Giorgio, 2013). Кларитромицинга чидамликни таъминловчи мутациялар ҳозир аниқланганларига нисбатан ҳам анча кўп бўлиши мумкин, чунки секвенирлаш натижасида бир нечта намунада T2182C мутацияси ҳам аниқланган. Кўп тадқиқотчилар маълумотларига кўра мазкур мутация носпецифик дейилган бўлса (Jung SW et al, 2012; Fasciana T, et al. 2015), аксинча (Khan A, 2016) қайд этилишича мазкур мутация кларитромицинга чидамлик билан боғлиқлиги келтирган.

Мамлакатимизда меъда-ичак тизими касалликларини ташхислаш, самарали даволаш ва беморларни умр кўриш давомийлигини узайтириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган (Аляви А.Л, 2017; Каримов М.М.,2020,2021; Хамраев А.А, 2018, 2022) бироқ, хеликобактер билан ассоциялашган меъда касалликларида генетик омилларни инобатга олган ҳолда эрадикацион терапияни оптималлаштирилмаган.

Гастроэнтерологик беморларда бактерия мавжудлиги ва унинг патоген ёки патогенсиз штамм эканлигини аниқлагандан сўнг кларитромицинга чидамлилигини ўрганиш эрадикацион терапияни тўғри танлашда хизмат қилади. Юқоридаги тадқиқотларда *H. pylori* нинг кларитромицинга чидамлилиги генетик усуллар ёрдамида ўрганилмаган. Гастродуоденал соҳа касалликлари ва *H. pylori* билан инфекция даражаси ўртасидаги таркибий ҳамда функционал боғлиқликларни комбинацияланган шароитларда ташхислаш усуллари стандартини кенгайтиради, беморларни кузатиш ва даволаш тамойилларини мувофиқлаштириш долзарб муаммолардан биридир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий

тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС 15.15.4 «Меъда-ичак тизими хеликобактер-ассоциялашган касалликларини регионар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда диагностикаси, даволаш ва асоратларини олдини олиш стратегиясини оптималлаштириш» (2015-2017) ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг ФЗ-201907316 «Қизилўнғач ва кардиоэзофагеал соҳа саратони беморларида «FAST-TRACK» янги тезлаштирилган тикланиш усулини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган (2020-2022 йй).

Тадқиқотнинг мақсади Н. pylori-ассоциялашган меъда касалликларининг клиник, морфологик ва генетик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш ва даволаш натижаларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

меъданнинг Н. pylori-ассоциялашган касалликларининг ўзига хос клиник жиҳатларини турли омилларга мутаносиб равишда баҳолаш;

Н. pylori-ассоциялашган меъда касалликлари билан оғриган беморларда ureC генини баҳолаш;

меъданнинг Н. pylori-ассоциялашган касалликлари бўлган беморларда CagA генининг патологик аҳамиятини баҳолаш;

бактерия билан зарарланиш даражасини инобатга олган ҳолда, Н. pylori-ассоциялашган касалликларида меъда шиллик қаватидаги яллиғланишнинг сифат ва миқдорий реакцияларини маҳаллий кўрсаткичларини баҳолаш;

Н. pylori-ассоциялашган патологияларда меъда шиллик қаватидаги морфологик ўзгаришларни тадқиқ қилиш;

Н. pylori-ассоциялашган меъда касалликлари билан хасталанган беморларда кларитромицинга чидамлилиқ сабабларини баҳолаш;

Ўзбекистонда Н. pylori-ассоциялашган меъда касалликлари билан хасталанган беморларда классик «квартотерапия»нинг эрадикацион самарадорлигини қиёсий жиҳатдан баҳолаш;

Н. pylori-ассоциялашган меъда касалликларини даволашнинг илмий асосланган, такомиллаштирилган усулларини ишлаб чиқиш ва клиник амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази, ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, 2015-2021 йиллар давомида даволанган 279 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида хеликобактер билан ассоциялашган меъда касалликларида генетик омилларни инобатга олган ҳолда эрадикацион терапияни оптималлаштиришда эндоскопик мақсадли биопсия, бевосита ноинвазив уреазга нафас олиш синамаси ёрдамида Н. pylori инфекциясини аниқлаш, меъданнинг топографик трансэндоскопик рН-метрияси, генетик текширувлар (Cag A генининг мусбат ва манфий Н. pylori мутацияларни, ПЗР амплификация усулида кларитромицинга чидамлилигини аниқлаш), меъда

шиллик қаватида патологик ўзгаришларни аниқлаш учун биопсия наъмуналарини морфологик текширув материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Хеликобактер билан ассоциялашган меъда касалликларида генетик омилларни инобатга олган ҳолда эрадикацион терапияни оптималлаштиришда клиник, эндоскопик, морфологик, генетик ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ҳудудида *H. pylori*-ассоциялашган меъда хасталиklarининг касалланиш даражаси, клиник кўринишлари ва морфологик ўзгаришларининг хусусиятлари аниқланган;

H. pylori-ассоциялашган меъда касалликларида клиник, эндоскопик ва морфологик текшириш кўрсаткичларининг ureC ва Cag A генлари билан узвий боғлиқлиги аниқланган;

H. pylori Cag A гени барча меъда касалликлари билан ассоциацияда эканлиги аниқланган;

H. pylori бактериясининг тажовузкор ва тажовузкор бўлмаган штамmlарини тащхислашда Cag A гени тащхисий белгиси (маркер) эканлиги асосланган;

H. pylori меъда касалликларининг ривожлантирувчи хавф омили эканлиги ҳамда касалликнинг ривожланиш хавфини 2,2-3,6 мартагача ошириши исботланган;

H. pylori бактериясини антибиотикка чидамлилигини таъминловчи 23S-rРНК генининг A2142G/C ва 2143G мутацияларини тащхислаш натижасида даволаш самарадорлигини ошириши исботланган;

илк марта *H. pylori*-ассоциациялашган барча меъда касалликларида клиник, эндоскопик ва морфологик ва вирулент генетик омилларини ҳисобга олган ҳолда даволаш муқобил усул эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

H. pylori-ассоциациялашган меъда касалликларини дифференциал диагностика қилиш учун морфологик ва генетик тадқиқотларнинг аҳамияти ва самарадорлиги белгиланган;

худудий хусусиятларни инобатга олган ҳолда морфологик ва генетик кўрсаткичларга боғлиқ равишда *H. pylori*-ассоциациялашган меъда касалликларининг клиник кечиш хусусиятлари очиб берилган;

клиник амалиётга *H. pylori*-ассоциациялашган меъда касалликларини тащхислаш алгоритми таклиф қилиниб, бу меъда шиллик қаватидаги патологик жараёнларни монанд баҳолаш имконини яратади ва эрадикацион терапияга чидамлиликини енгишга ёрдам бериши кўрсатилган;

хеликобактерга қарши эрадикация терапияси самарадорлигини оширишда генетик тадқиқот натижаларига асосланган кватротерапияни қўллаш мақсадга мувофиқлиги баҳоланган;

тадқиқот натижалари асосида хеликобактер ассоциациялашган меъда касалликларини даволаш самарадорлигини мониторинг кузатувида клиник-морфологик ва генетик омилларнинг аҳамияти кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи клиник, эндоскопик, морфологик, генетик ва статистик тадқиқот усулларида хеликобактер билан ассоциялашган меъда касалликларида генетик омилларни инобатга олган ҳолда эрадикацион терапияни оптималлаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти Н. pylori-ассоциялашган меъда касалликларида умумий клиник ва морфогенетик тадқиқотлар учун кўрсатмалар ва ташхислаш алгоритмини такомиллаштириш билан эрадикация терапиясига резистентликни бартараф этиш истиқболлари аниқланганлиги ҳамда минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда Н. pylori тарқалиш даражаси ва уларнинг патологик жараённинг клиник-морфологик кўринишларига таъсири аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти клиник инструментал, морфологик ва генетик тадқиқот натижаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида хеликобактер-ассоциялашган меъда касалликлари билан хасталанган беморларда хеликобактерга қарши эрадикация терапия натижаларини башоратлашнинг янги ёндашуви ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хеликобактер билан ассоциялашган меъда касалликларида генетик омилларни инобатга олган ҳолда эрадикацион терапияни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хеликобактер билан ассоциялашган меъда касалликларида генетик омилларни инобатга олган ҳолда эрадикацион терапияни оптималлаштиришга қаратилган илмий натижалар асосида «Киото протоколлари асосида сурункали гастрит диагностикаси ва даволаш тамойилларини такомиллаштириш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 13 ноябрдаги №8н-з/431-сон маълумотномаси). Натижада мамлакатимизда патоген Н. pylori штамmlарининг тарқалишини олдини олиш орқали беморларни даволашнинг самарадорлигини ошириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

хеликобактер билан ассоциялашган меъда касалликларида генетик омилларни инобатга олган ҳолда эрадикацион терапияни оптималлаштиришни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт маркази, Фарғона кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг Термез филиалнинг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 декабрдаги 08-09/21483 - сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ташхислаш

сифатини яхшилаш, меъданинг турли касалликларининг келиб чиқиши *H. pylori* нинг *ureaC* ва *CagA* генининг мавжудлиги билан узвий боғлиқлиги, ушбу касалликларнинг оғир турларида *CagA* генининг учраши 2,9 дан 6,2 мартагача ортиши сабабли, *CagA* гени бактериянинг тажовузкор штамлари учун биологик маркер ген деб қабул қилиниши, *H. pylori* ассоциялашган меъда касалликларида *CagA* генига эга бўлган беморларнинг 41,2% резистентлик кузатилган бўлиб, бу анъанавий эрадикацион терапиянинг фақатгина 58,8% ҳолатда самарадорлиги ва даво тактикасини қайта кўриб чиқилишини тақозо этиши имконини берганлиги, кларитромицинга чидамлиликини камайтириш ва шу билан бундай касалликларга чалинган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 илмий–амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 203 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Хеликобактер-ассоциялашган меъда касалликларининг этиопатогенези, ташхислаш ва даволашдаги муаммоларнинг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида *H. pylori* билан зарарланиш ҳолатларининг ер юзида тарқалиши, унинг меъда касалликларининг келиб чиқишидаги ўрни, инфекция билан зарарланишни аниқлашга қаратилган ташхисот усуллари ҳамда хеликобактерга қарши эрадикацион терапиянинг самарадорлигига оид қарашлар, ютуқ ва муаммолар танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Натижада, айни вақтда ягона энг мақбул ташхислаш усули ҳақидаги фикрлар тарқоқлиги ва аксарият ҳолларда анъанавий эрадикация терапиясининг самарадорлиги кутилганидан анча

пастлиги, бу йўналишдаги келгуси тадқиқотлар олиб борилиши зарурлигини тақазо этилиши кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг **«Хеликобактер-ассоциялашган меъда касалликлари билан хасталанган беморларнинг клиник, лаборатория, инструментал, морфологик ва молекуляр-генетик тадқиқот материал ва усуллари»** деб номланган натижаларини шарҳлаш материалларига асосланган. Тадқиқот объекти 279 нафар меъда касалликлари билан оғриган беморлар бўлиб, улардан 199 нафари Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида ва 80 нафари Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида даволанган. Ушбу илмий ишда иштирок этган барча беморлар, патологик жараённинг нозологиясига қараб, бешта тадқиқот гуруҳига бўлинган, уларнинг натижалари қиёсий жиҳатдан ўрганилган: 105 нафар сурункали атрофик бўлмаган гастрит (САБГ), 58 - сурункали атрофик гастрит (САГ), 36 - меъда яра касаллиги (МЯК), 50 меъда МАЛТ- лимфомаси ва 30 меъда саратони (МС) билан.

Хеликобактер-ассоциялашган меъда касалликлари бўлган барча беморларга клиник-эндоскопик, морфологик ва генетик тадқиқотлар ўтказилган, сўнгра даволаш тактикаси танланган. Ўрганилаётган беморларда жинсини ўрганиш сезиларли гендер устунлигини кўрсатмади, бу иккала тур вакилларининг *H. pylori* бактерияси билан тенг зарарланишини кўрсатади: 154 эркак (55,3%), 125 аёл (44,7%). Беморларнинг ёши 19 дан 73 ёшгача, ўртача 46,7±0,5 йилни ташкил этди. ЖССТ таснифига кўра беморларнинг ёш тақсимотига биноан (2012й), хеликобактер билан боғлиқ меъда касалликлари ёш ва ўрта ёшдаги беморларда кўпроқ - 81% кузатилган.

Генетик таҳлил асосида *H. pylori* вирулентлиги бўлган барча беморлар кларитромицинга чидамлилигини ҳисобга олган ҳолда икки гуруҳга бўлинган. Кларитромицинга чидамли бўлмаган *H. pylori* штамлари бўлган беморларга эрадикация схемаси бўйича 14 кун давомида квадротерапия ўтказилган: рабепразол 20 мг дан кунига 2 марта овқатланишдан олдин, амоксициллин 1000 мг дан кунига 2 марта овқатлангандан кейин, кларитромицин 500 мг дан кунига 2 марта овқатлангандан кейин, висмут уч калий дицитрати 120 мг 2 таблеткадан кунига 2 марта овқатлангандан 30 дақиқа олдин.

Кларитромицинга нисбатан тасдиқланган *H. pylori* га чидамли штамми бўлган беморлар кларитромицинсиз иккинчи даволаш схемасини олган: рабепразол 20 мг дан кунига 2 марта, амоксициллин 1000 мг дан кунига 2 марта овқатлангандан кейин, нифурател 400 мг дан кунига 2 марта овқатлангандан кейин, висмут уч калий дицитрати 120 мг дан 2 таблеткадан кунига 2 марта овқатланишдан 30 дақиқа олдин. Барча дорилар 14 кун ичида қабул қилинган.

Диссертациянинг **«Меъданнинг хеликобактер-ассоциялашган касалликларининг клиник-функционал ва морфологик аспектлари»**га бағишланган учинчи бобида *H. pylori*-ассоциялашган меъда касалликларининг клиник кўринишлари ўрганилган ва таҳлил қилинган. Даволашдан олдинги даврда клиник кўринишлар астения, қорин оғриғи ва диспептик синдромлар нуқтаи назаридан баҳоланган. *H. pylori*-ассоциялашган меъда

касалликларининг клиник кўринишини бактериянинг патоген штамлари мавжудлигига боғлиқлигини ўрганиш қиёсий даволаш жараёнида клиниканинг динамикасини баҳолашни ўзаро боғлаш имконини берган. Хусусан, *H. pylori*-ассоциялашган клиник кўринишлар учта клиник синдром бўйича тақдим этилган: оғриқ, диспептик (ҳазм қилиш бузилишининг белгилари) ва астено-невротик. *H. pylori*-ассоциялашган меъда касалликларининг клиник кўринишида оғриқ синдроми патоген бактериал штамдан қатъий назар ўзини намоён қилиб, 129 (55,6%) беморда кузатилган. Меъда яраси билан оғриган беморларда нозологик гуруҳларда турли интенсивликдаги оғриқ синдроми кўпроқ аниқланган - 64,5% ва меъда саратони билан - 96,2% ҳолларда, ўртача кучли оғриқ синдроми САГ билан оғриган беморларда - 34,5% ва сурункали гастрит билан - 41,6% ҳолларда, МАЛТ- лимфома билан оғриган беморларда - 46,7% ҳолларда. МАЛТ-лимфомаси бўлган нозологик гуруҳларда оғриқ синдроми интенсивлиги САГ гуруҳига қараганда анча юқори. Ўсма бўлмаган касалликларга чалинган нозологик гуруҳларда оғриқнинг куч интенсивлиги меъда безларининг секретор фаоллиги ошиши билан изоҳланади. САГ ва САБГ дан фарқли ўларок, МАЛТ-лимфомаси ва меъда саратонида кучли оғриқ синдроми парагастрик тузилмаларнинг патологик жараёнга жалб қилинишидан келиб чиқади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, *H. pylori*-ассоциялашган меъда касалликлари билан умумий гуруҳдаги 156 (67,2%) беморларда овқат ҳазм қилишнинг бузилиши белгилари кузатилган. САБГ билан оғриган 42 (50%) беморларда иштаҳа ўзгармади, ич қотиши, метеоризм тенденцияси кузатилди. САГ билан оғриган 40 (81,6%) беморларда клиник кўринишда биринчи ўринда диспептик синдром, иштаҳанинг пасайиши, оғизда металл таъм ҳисси, турғун бўлмаган ахлат кузатилган. Меъда яраси билан оғриган беморларда диспептик синдром ўртача даражада эди - 19 (61,2%) ва диспептик синдромнинг энг юқори оғирлиги меъда саратони билан оғриган беморларда - 25 (96,2%) ва МАЛТ лимфомасида - 30 (71,4%) бўлса, 150 (64,7%) беморда эса астено-невротик синдром кузатилган.

Тадқиқотларимиз натижасида текширилган 279 нафар беморнинг 265 тасида (95,1%) *H. pylori* мавжудлиги аниқланди. Шу билан бирга, 77 (29%) беморда *H. pylori* билан зарарланишнинг паст даражаси, 106 (40%) ўртача ва 78 (29,4%) беморда юқори даражада аниқланган. 4 беморда аниқ зарарланиш даражасини аниқлаш мумкин бўлмади.

Олинган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, жинсга боғлиқлик бўйича статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар топилмаган (χ^2 : $p < 0,05$). Шу билан бирга, *H. pylori* билан зарарланиш ёшга қараб баҳолаганда, 45 ёшдан 60 ёшгача бўлган беморларнинг аксарияти 54,3% (χ^2 : $p < 0,05$) ҳолларда *H. pylori* мавжудлиги аниқланган.

H. pylori билан зарарланиш даражасини ёшга қараб ўрганиш шуни кўрсатдики, барча ёш гуруҳларида ўртача контаминация даражаси ҳукмрон бўлиб, 60 ёшдан ошган одамларда 7,9% ни, 45 ёшдан 60 ёшгача бўлган беморларда 24,2% ни ташкил этади, ёшларда эса - 14,9%. *H. pylori* билан

юқори зарарланиш 45 ёшдан 60 ёшгача ва ундан катта ёшдаги гуруҳларда кузатилган, мос равишда 17,6% ва 6,5% ни ташкил этган, аксинча, 45 ёшгача бўлган ёш гуруҳда 3,7% ни ташкил этган (χ^2 : $p < 0,05$).

Тадқиқотлар натижасида барча нозологик гуруҳларда меъданинг кислота ҳосил қилувчи ва кислотани нейтраллаш функцияларида ўзгаришлар мавжудлиги аниқланган. Текширув пайтида, САБГ билан оғриган беморларда, бошқа нозологик гуруҳлардаги кислоталикнинг ўхшаш кўрсаткичлари билан солиштирганда, юқори кислоталикка нисбатан рН қийматларининг ошиши кузатилган. Бу фаол кислота ишлаб чиқариш жойида (меъда танасининг олд ва орқа девори) рН нинг пасайишида намоён бўлди. Меъда антрал соҳасидаги кислотани нейтраллаш жойида рН қийматлари ҳам сезиларли даражада камайди, ўртача 3,2-3,5 бирликни ташкил этди. САБГ билан оғриган беморларда фаол кислота ҳосил бўлиш ва кислота нейтраллаш жойидаги рН қийматларининг фарқи меъданинг кислотани нейтраллаш функциясининг компенсацияланган бузилишини кўрсатган. САГ билан оғриган беморларда меъда кислоталиги кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили баъзи фарқларни кўрсатди. Бу шиллик қават атрофияси бўлган беморларда САБГ билан оғриган беморларга қараганда меъда ширасининг юқори кислоталигининг пасайиши билан намоён бўлди. САГ билан оғриган беморларда гипоацид ҳолати кузатилган, унинг ўртача қиймати 2,5-2,9 бирликни ташкил этган, кислотани нейтраллаш функцияси сақланиб қолган.

Н. pylori-ассоциялашган меъда касалликлари билан оғриган беморларда меъда шиллик қаватини эндоскопик кўриш натижалари таҳлил қилинганда, турли даражадаги яллиғланиш ўзгаришлари аниқланган, улар характерли васкуляризация ва гиперемия, шиш ва меъда шиллик қаватининг лимфоидли инфилтрацияси ва ичак метаплазиясининг мавжудлиги билан ифодаланган (1-жадвалга қаранг).

Олинган натижалар Н. pylori-ассоциялашган яллиғланиш ўзгаришлари САБГ билан оғриган беморларда меъданинг антрал соҳасида - 95,2% ва меъда танасида - 16,7% да кўпроқ кузатилганлигини кўрсатди. САГда эндоскопик яллиғланиш ўзгаришлари кўпроқ меъданинг тана соҳасида 40,8% да, антрумда - 30,6% ва проксимал соҳасида - 28,6% да кузатилган. Меъда ярасида 58,1% беморларда меъда антрал соҳасида яллиғланиш ўзгаришлари кузатилган. Қиёсий жиҳатдан биз МАЛТ-лимфомаси билан оғриган беморларнинг 42,3 % ида, меъда саратони билан оғриган беморларнинг 30,8 % ида меъданинг антрумида ва 34,6 % ида проксимал соҳасида умумий ўзгаришлар аниқланган. 67,6% ҳолларда Н. pylori-ассоциялашган САБГ ни эндоскопик кўриш пайтида меъда шиллик қаватини ҳолати унинг шиши билан, 80 % беморларда - фокал ёки диффуз гиперемия билан, 61,9% да - эрозия билан, 2,4% ҳолларда ичак метаплазияси билан ифодаланган. САБГ дан фарқли ўлароқ, САГда аниқ қон-томир инъекцияси туфайли гиперемия камроқ - 32,7%, эрозив жараён - 17,2% ва шиш - 20,7%, ичак метаплазияси эса тўрт марта кўп - 16,3% кузатилган. Ярага хос бўлган энг аниқ яллиғланиш реакцияси шиш билан - 75% ва меъда шиллик қаватининг гиперемияси - 80,6% ҳолларда намоён бўлди. МАЛТ

лимфомаси учун энг характерли - лимфоид инфильтрацияси 86% ҳолларда мавжуд бўлди.

Меъда шиллик қаватидаги макроскопик ўзгаришларга асосланиб, хромогастроскопияни қўллашда биз ичак метаплазиясининг учта асосий турини аниқладик: фокал, фокал - қўшилган ва диффуз ёки мултифокал.

1-жадвал

Меъданинг *H. pylori*-ассоциялашган касалликларининг эндоскопик кўринишлари

Н. pylori персистенцияси	Беморлар									
	САБГ, n=84		САГ, n=49		ОЯК, n=31		МАЛТ-лимфома, n=42		ОС, n=26	
Локализация	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
Антрал	80	95,2	15	30,6	18	58,1	9	21,4	8	30,8
Тана	14	16,7	20	40,8	7	22,6	14	33,3	6	23,1
Проксимал			14	28,6	6	19,4	8	19,0	9	34,6
Тотал							11	42,3	3	11,5
МШҚ холати:	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
Гиперемия	84	80,0	19	32,7	29	80,6	19	38,0	22	73,3
Шиш	71	67,6	12	20,7	27	75,0	27	46,5	19	63,3
Эрозиялар	65	61,9	10	17,2	19	32,7	13	26,0	20	66,7
Лимфоид гиперплазияси	2	0,02			13	36,1	43	86,0	12	40,0
Ичак метаплазияси	2	2,4	8	16,3	9	29,0	15	35,7	13	50

Эндоскопик маълумотларга асосланиб, меъда шиллик қавати шикастланиши майдонига кўра, ичак метаплазиясининг қуйидаги даражалари аниқланди: енгил - шикастланиш меъда шиллик қавати умумий майдонининг <20%, ўртача - 20-50% ва оғир -> 50%.

Меъданинг ичак метаплазиясининг эндоскопик локализациясини аниқлаш натижалари шуни кўрсатдики, ичак метаплазиясининг антрал жойлашуви МАЛТ- лимфомаси бўлган нозологик гуруҳда энг кўп кузатилган - 14,3%, МЯКда - 9,7%, САГ - 4,1% ва ОС - 7,7% ҳолларда. Шу билан бирга, энг кам касалланиш САБГ билан оғриган беморларда кузатилган - 2,4% ҳолларда. САГ билан оғриган беморларда меъда метаплазиясининг субтотал локализацияси 12,4%, МЯК - 16,1%, МАЛТ лимфома - 9,5%, ОС - 23,1% ҳолларда. САБГ ва САГ билан оғриган беморларда метаплазиянинг умумий локализацияси кузатилмади, МЯК билан бу кўрсаткич 3,2%, МАЛТ лимфома билан - 11,9% ни ташкил этди. Ўрганилган материалга асосланиб, *H. pylori*-ассоциялашган меъда касалликлари бўлган беморларда пренеопластик ўзгаришларни (атрофия, ичак метаплазияси, дисплазияси) аниқлаш учун биопсияларнинг морфологик тадқиқоти ўтказилди (2-жадвалга қаранг).

H. pylori-ассоциялашган меъда касалликларининг морфологик суръати (меъда шиллик қаватидан олинган биоптатларни ўрганиш асосида), n=232

Нозология	Гистологик белгилари							
	Фовеаляр гиперплазия		фиброз		Атрофия		Ичак метаплазияси	
	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
САБГ, n=84	25	29,7	32	38,1	1	1,2	8	9,5%
САГ, n=49	19	38,8	28	57,1	44	89,8	16	32,6
МЯК, n=31	17	54,8	23	74,2	21	67,7	24	77,4
МАЛТ-лимфома, n=42	29	69,0	15	35,7	13	30,9	36	85,7
МС, n= 26	11	42,3	13	50,0	16	61,5	21	80,7
Жами, n=232	101	43,5	110	47,4	95	40,9	105	45,2

Тақдим этилган жадвалдан кўриниб турибдики, H. pylori-ассоциялашган меъда касалликларининг нозологик шаклига қараб, морфологик кўриниш градиацияларнинг ўзгарувчанлиги билан фарқланади. Олинган натижалар морфологик белгиларнинг интенсивлиги H. pylori-ассоциялашган меъда касалликларининг нозологик шаклларига боғлиқлигини кўрсатади. Умуман олганда, H. pylori-ассоциялашган меъда касалликлари морфологик жиҳатдан меъда шиллик қавати ўртача атрофияси - 40,9%, фиброз - 47,3% ва турли даражадаги ичак метаплазияси - 45,2% ҳолларда намоён бўлди.

Юқоридаги маълумотларни таҳлил қилиб, шуни таъкидлаш керакки, сурункали гастритда меъда шиллик қавати H. pylori билан зарарланишнинг заиф даражаси яллиғланиш ўзгаришларининг паст интенсивлиги билан боғлиқ (p < 0,001). OLGA ва OLGIM тизимлари бўйича САБГ ҳолатида мос равишда 1,2% ва 9,5% ҳолларда I даражали морфологик ўзгаришлар мавжуд. САБГ дан фарқли ўлароқ, САГ билан, OLGA бўйича морфологик ўзгаришларнинг ноль даражаси 28,6% ҳолларда, I даража - 40,8%, II даража - 14,3% ва III даража - 6,1% да кузатилган. OLGIM тизими бўйича САГ билан оғриган беморларда морфологик ўрганишда асосан ўзгаришлар I, II ва III босқичларда, мос равишда 6,1%, 10,2% ва 16,3%, саратон олди деб ҳисобланиладиган IV босқич кузатилмайди. САГ ва меъда хавfli ўсмалари ўртасидаги мумкин бўлган оралиқ шакл бўлиб, МЯК барқарор ўртача морфологик ўзгаришлар билан тавсифланади, бу атрофия ва ичак метаплазиясининг кучайишига олиб келади. Меъда яра касаллигида ичак метаплазиясига асосланган морфологик ўзгаришларнинг барча босқичлари OLGIM тизими ёрдамида аниқланди. Шундай қилиб, I босқич - 22,6%, II босқич - 29,0%, III босқич - 16,1% ва IV босқич - 9,7% беморларда, IV босқичда эса морфологик ўзгаришлар жараёни атипик намоён бўлган хужайралардаги қайтарилмас бузилиш ҳисобланади.

Сифат ва миқдорий кўрсаткичларни ўз ичига олган морфологик тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, H. pylori-ассоциялашган касалликлар

меъда шиллик қаватидагидаги ўзгарувчан ўзгаришлар билан тавсифланади. Барча ўрганилган нозологик гуруҳларда OLGA тизими бўйича морфологик ўзгаришлар ноль ёки I даражани ташкил этди: мос равишда 27,2% ва 15,1%. OLGA тизими бўйича барча гуруҳларда ичак метаплазияси фақат 7,3% ҳолларда бўлган. OLGIM тизими ёрдамида таҳлил қилинганда бир хил морфологик ўзгаришлар бошқа суръатни кўрсатди. I ва II босқичларда ичак метаплазиясига мос равишда 17,6% ва 10,8% ҳолларда аниқланган. Тадқиқот шуни кўрсатдики, беморларнинг 11,2% ва 5,6% да III ва IV ичак метаплазиясининг қайтарилмас босқичлари аниқланган. СГ ва МЯК маҳаллий яллиғланиш жараёнининг турли даражадаги фаоллиги билан бирга келди. Олинган натижаларнинг умумий талқини юқорида қайд этилган тизимлардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатди, чунки бу атрофия ва ичак метаплазиясини аниқлаш нуқтаи назаридан морфологик таҳлил бўлиб, терапевтик чора-тадбирларнинг кейинги стратегиясини яратиш учун энг асосли платформа бўлиши мумкин. Шунинг учун OLGA тизимига кўра II ва III даражали беморларнинг 17,6 % ида ва OLGIM тизимига кўра III ва IV босқичли беморларнинг 17,7% ида аниқланиши неопластик ўзгаришларнинг ривожланиши учун башоратли хавф омилидир. Агар бу кўрсаткич САБГ да бизнинг тадқиқотларимизда кузатилмаган бўлса, у ҳолда САГда жуда кам ва МЯКда у энг аниқ кўрсаткичга эга.

Диссертациянинг «**H. pylori** нинг меъда касалликларида патогенлиги. **H. pylori** нинг кларитромицинга резистентлигини бартараф этиш йўллари» тўртинчи бобида тадқиқ қилинган. *H. pylori* патогенлиги аксарият ҳолларда CagA генининг мавжудлиги ва 23S-pPNC генининг A2142G/C ва A2143G соҳасидаги мутациялари натижасида келиб чиққан кларитромицинга чидамлилиқ билан белгиланади. Шунга асосланиб, ушбу тадқиқотда меъда биопсиясидан ДНК ажратилиб, биринчи навбатда текширилаётган объектда *H. pylori* борлиги аниқланган. Сўнгра, CagA генининг патогенлигини аниқлаш учун ureC гени билан ажратилган намуналарда ПЗР диагностикаси ўтказилган. Кларитромицинга чидамлилиқ мавжудлигини аниқлаш учун мультиплекс ПЗР ёрдамида 23S-pPNC кодловчи генининг A2142G/C ва A2143G ген мутациялари ўрганилган. Олинган ПЗР натижаларини таҳлил қилиш текширилган 279 беморнинг 232 тасида (83,2%) *H. pylori* ureC генининг мавжудлигини кўрсатган. 47 (16,6%) беморда ureC гени кузатилмаган ва бу ўз навбатида *H. pylori* ни аниқлашнинг бошқа усулларига нисбатан ПЗРда аниқлашнинг юқорилигини кўрсатади.

H. pylori - ассоциялашган меъда касалликлари бўлган беморларда ureC генини аниқлаш 3-жадвалда келтирилган. Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, барча нозологик гуруҳларда *H. pylori* ни аниқлаш даражаси назорат гуруҳига қараганда 1,3 баробар юқори (83,2% ва 63,7% ҳолларда). 279 беморнинг умумий гуруҳида фақат 232 (83,2%) ureC гени ижобий, 47 (16,8%) эса салбий ureC генига эга эди. 80 нафар соғлом одамдан иборат назорат гуруҳида 51 (63,7%) ureC гени ижобий, 29 (36,3%) эса ureC гени йўқ эди. Бинобарин, олинган натижалар назорат гуруҳига нисбатан касалликнинг ривожланиш хавфи статистик жиҳатдан сезиларли даражада 2,2

ва 3,6 мартага ошган. Ўз навбатида, бу *H. pylori* мавжудлигини тасдиқловчи маркер сифатида *ureC* генидан фойдаланишга асос бўлади. Шу билан бирга, *H. pylori* ни аниқлашнинг турли усуллари қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ПЗРда бошқа диагностика усулларига нисбатан бактериялар мавжудлигини 12% га камроқ аниқланган. *UreaC* *H. pylori* организмда бактериялар мавжудлигини тасдиқловчи маркер ген бўлиб хизмат қилади, лекин у бактерияларга патогенлик хусусиятларини берувчи асосий ген ҳисобланмайди.

3-жадвал

***H. pylori*-ассоциялашган меъда касалликларида *ureC* генини статистик таҳлил қилиш**

Нозологик гуруҳлар	UreC генининг сони				Статистик фарқи					
	n+	%	n-	%	χ^2	p-value	Нисбий хавф Relative risk		Odds ratio эҳтимол.нисбати	
							RR	95%CI:	OR	95%CI:
САБГ, n=105	84	80	21	20	6,1	0,006	1,5	1,0-2,1	2,2	1,2-4,4
САГ, n=58	49	84,5	9	15,5	7,2	0,003	2,0	1,1-3,8	3,1	1,3-7,5
МЯК, n=36	31	86,1	5	13,9	5,9	0,007	2,5	1,1-6,0	3,4	1,3-11,1
МАЛТ-лимфома, n=50	42	84	8	16	6,2	0,006	2,1	1,1-4,0	2,9	1,2-7,6
МС, n=30	26	86,7	4	13,3	5,4	0,009	2,8	1,0-7,3	3,6	1,2-13,3
Умумий гуруҳ n=279	232	83,2	47,	16,8	14,0	0,00009	1,3	1,1-1,6	2,8	1,6-4,8
Назорат гуруҳи, n=80	51	63,7	29,	36,3	-	-	-	-	-	-

Тиббий технологияларнинг ривожланишига қарамай, ҳатто Европа Иттифоқи мамлакатларида ҳам эрадикация терапияси штаммларнинг патогенлик даражасини аниқламасдан *H. pylori* мавжудлигига асосланган ҳолда амалга оширилади. Бошқа тадқиқотчилар тажрибасига асосланиб, илмий ишимизда *H. pylori* патогенлигини аниқлашда маркер ген сифатида *CagA* гени олинди ва *H. pylori* – ассоциялашган меъда касалликларида *CagA* генининг ўрни ўрганилди.

Натижалар шуни кўрсатдики, 232 нафар беморнинг умумий гуруҳида ижобий *CagA* гени мавжудлиги 194(83,6%), назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич кузатилган 51 тадан 28 (54,9%) ни ташкил этган (4-жадвалга қаранг). Манфий *CagA* гени умумий гуруҳда 38 (16,3%) ва назорат (соғлом) гуруҳида 23 (45,1%) ҳолатда аниқланган. *CagA* генини нозологик гуруҳлар бўйича таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, касалликнинг ривожланиши билан патоген *CagA* генини аниқлаш фоизи ошган. Тадқиқот натижаларини шарҳлаш шуни кўрсатдики, назорат гуруҳидаги соғлом назоратдан фарқли ўлароқ, *H. pylori*-

ассоциялашган меъда касалликлари бўлган беморларда CagA гени 1,5 баробар кўпроқ аниқланган (мос равишда 83,6% / 54,9%).


4-жадвал

CagA генининг *H. pylori*–ассоциялашган меъда касалликлари билан бирга келиши

Гурухлар	Сони				Статистик фарқи					
	n+	%	n-	%	χ^2	p-value	Relative risk нисбий хавф		Odds ratio эхтимоллик нисбати	
							RR	95% CI:	OR	95% CI:
САБГ, n=84	66	78,6	18	21,4	8,4	0,002	1,6	1,1-2,3	2,9	1,4-6,5
САГ, n=49	41	83,7	8	16,3	9,6	0,0009	2,3	1,2-4,3	4,1	1,6-11,1
МЯК, n=31	27	87,1	4,	12,9	9,0	0,001	3,3	1,2-8,5	5,4	1,7-20,5
МАЛТ-лимфома, n=42	37	88,1	5	11,9	12,0	0,0002	3,1	1,4-7,2	5,9	2,1-19,5
МС, n=26	23	88,5	3	11,5	8,6	0,001	3,9	1,3-11,8	6,2	1,7-28,6
Умумий гурух, n=232	194	83,6	38	16,3	20,2	0,000003	1,4	1,1-1,7	4,1	2,1-7,9
Назорат гурухи, n=51	28	54,9	23	45,1						

